


Қуръони Карим дарслари (103-дарс). Хулосалар



14:02 / 15.09.2020 4155

1. Икки мазҳаб эгалари ҳам – салаф ҳам, халаф ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони шубҳадан, таътил – сифатларни инкор қилишдан, муташобихнинг У Зотга тўғри келмайдиган сиртқи маъноларидан поклаш кераклигига иттифоқ қиладилар. Таъвил қилишда ихтилоф бор: салаф уни ман қилади, халаф эса рухсат беради.

2. Икки мазҳаб ҳам саҳобаи киромлардан нақл қилинган. Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳум таъвил қилувчи саҳобалар гуруҳидандирлар. Саҳобаларнинг даврида таъвилни ман қилиш кўп тарқалган.

3. Имом Абу Ҳанифа ва имом Абулҳасан Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳимонинг муташобих сифатлар борасида тутган йўллари ўрта босқич ҳисобланади.

Ушбулардан кўриниб турибдики, бошқа нарсалар қатори, бу ўта муҳим масалада ҳам мусулмонларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш, улардан хатарни даф қилиш аввалги ўринга қўйилган.

Салафлар таъвилни ман қилган бўлсалар, ўша вақтда унга эҳтиёж йўқлигидан ва агар бу иш қилинса, фитна чиқиши эътиборидан ман қилганлар. Халафлар таъвилни йўлга қўйган бўлсалар, уларнинг замонида

бунга ҳожат тушгани учун мажбур бўлиб қилганлар. Чунки замон ўзгариши билан одамлар орасида турли фикрлар, мазҳаблар, оқимлар ва фалсафалар кўпайиб, шундай қилмаса бўлмайдиган ҳолга келиб қолган эди. Бунга имом Ибн Қутайба ўзининг «Таъвилу мушкилил-Қуръан» номли китобининг муқаддимасида ёзган қуйидаги гаплар ёрқин далил бўла олади:

«Батаҳқиқ, худосизлар Аллоҳнинг Китобига таъна етказдилар. Улар уни ўйин қилиб олдилар ва ундан муташобих бўлган нарсаларга эргашиб, калта фаҳмлари, хаста назарлари ва жинни каллалари ила таъвил қилишга ўтдилар. Натижада каломни ўз ўрнидан ўзгартирдилар ва ўз йўлидан бошқа тарафга бурдилар. Сўнгра унинг ҳақида «Унда қарама-қаршилик бор, ақл кўтармайдиган нарсалар бор, беҳуда нарсалар бор, назми бузуқ, ихтилофи бор», дея ҳукм чиқардилар. Бу билан улар қалбларга шубҳа ва кўнгилларга шак солдилар.

Бас, мен Аллоҳнинг Китобини баён қилишни, одамларни чалкашликка солган нарсаларга қарши очиқ ҳужжатлар ва ёрқин далиллар келтиришни қасд қилдим. Ушбу китобни Қуръон мушкилотлари таъвилини жамловчи қилиб ёздим».

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, салаф ҳам, халаф ҳам етук исломий фикрдан иборатдир. Икковлари ҳам мусулмонларнинг ҳожатларини қондирган, уларга насиҳат қилиб, ақийдаларини ҳимоя этгандир.

«Қуръон илмлари» китобидан